

ШАРТНОМА №34-22 1004

Наманган ш.

«15» 04 2022 йил.

Бизлар «ТРАНС-ЩИТ ЭНЕРГО СЕРВИС» МЧЖ номидан директор А.Умарханов келгусида «Сотувчи» деб номланувчи бир томондан ва «Наманган ХЭТК» АЖ номидан директор в.б. А.Карабаев келгусида «Харидор» деб номланувчи иккинчи томондан, ушбу шартномани куйидаги мазмунда тузамиз.

**1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ ВА СУММАСИ**

1.1. «Сотувчи» куйидаги махсулотларни ушбу шартномада белгиланган нархларда «Харидор» га етказиб (хизматларни курсатиб) беради. 20.07.2022 йил ЛОТ №»116196

Махсулот номи	Улчов бирлиги	Микдори	Нархи	Суммаси	ҚҚС	ҚҚС билан биргаликдаги киймати
Трансформатор ТРДН-40 000/110/У1	Дона	1	4 821 739 130,43	4 821 739 130,43	723 260 869,57	5 545 000 000
<b>ЖАМИ:</b>				4 821 739 130,43	723 260 869,57	5 545 000 000

Шартнома суммаси: Беш миллиард беш юз кирк беш миллион сум.  
(суз билан)

**2. МАХСУЛОТНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ.**

2.1. «Харидор» махсулот кийматининг олдиндан 50%ни 5(беш) иш куни ичида «Сотувчи»нинг хисоб ракамига пул утказиш йули билан утказилади.

2.2. «Харидор» мазкур шартноманинг 2.1.бандида курсатилган махсулот хаккини уз вақтида «Сотувчи»нинг хисоб ракамига утказмаса ёки туловни кечиктирса, «Сотувчи» махсулот нархини бир томонлама узгартиришни уз эхтиёрида колдиради.

2.3. Махсулот хаки 50% тулангандан сунг «Сотувчи» 90 кун мобайнида махсулотни (хизматларни курсатиб) етказиб беради.

2.4. «Харидор» махсулот хакини колган 50% ни, махсулот етказиб берилганидан сунг 30 кун ичида «Сотувчи»нинг хисоб ракамига тулаб бериш мажбуриятини уз зиммасига олади .

**3. ТОМОНЛАР МАЖБУРИЯТЛАРИ.**

3.1. «Сотувчи» 1.1. пунктда курсатилган шартларни, шу жумладан махсулот ёки хизматлар сифатини, микдорини, кафолатлайди.

3.2. «Харидор» 1.1. пунктда курсатилган шартлар буйича махсулотни кабул килиб олади ва махсулот хакини курсатилган муддатда тулашни кафолатлайди.

3.3. Юкорида курсатилган шартлар бузилган такдирда, айбдор томонга нисбатан Ўзбекистон Республикаси «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида» ги Конунинг V-булими талаблари билан белгиланган жавобгарлик меъёрлари кулланилади.

3.4. Томонлар ушбу шартномани имзолашга тайёрлаш жараёнида мазкур шартноманинг

3.3. бандида курсатилган Конунинг 21-моддаси талабларига риоя этишлари шарт.

3.5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 19.03.1999 йилдаги № 125-сонли, 22.06.2001 йилдаги № 264-сонли, 05.08.2002 йилдаги № 280-сонли ва ноябрь ойидаги № 407-сонли қарорлари талабларини бажариш «Харидор» зиммасига юклатилади.

#### 4. КУШИМЧА ШАРТЛАР.

4.1. Мазкур шартномага барча узгартириш ва қушимчалар фақат ёзма шаклда ҳар икки томоннинг имзоси ва юмалок муҳри билан тасдиқланганидан кейин киритилади.

4.2. Форс-мажор ҳолати юзага келган тақдирда томонлар ушбу шартнома билан зиммаларига юклатилган мажбуриятларни бажариш ёки бажармасликлари юзасидан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари талабларига риоя қилган ҳолда келишиб оладилар.

4.3. Мазкур шартнома шартлари юзасидан келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар узаро келишув асосида ҳал қилинади. Агар ушбу низо ва келишмовчиликлар узаро ҳал қилинмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси қонунлари асосида суд органлари (ёки Арбитраж орқали) ҳал қилинади.

4.4. Шартнома икки асл нусхада тузилиб, иккиси ҳам бир хил юридик кучга эга ҳисобланади.

4.4. Шартнома имзоланган ва юмалок муҳр билан тасдиқланган қундан бошлаб қонуний кучга киради ва қоида тариқасида 2022 йилнинг «31» декабрь қунига қадар амал қилади.

#### 5.КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

5.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.

5.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

5.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабалар юзасидан қонунга ҳилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) қафолатлайди.

Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пулдатчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг)



юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

5.4. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйиқ ўтказилмаслигини кафолатлайдилар.

5.5. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларнинг бандларида белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт.

Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаган ёки кўриб чиқиш натижалари ҳақида хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

## 6. ТОМОНЛАР БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА МАНЗИЛГОХЛАРИ.

«СОТУВЧИ»

«ТРАНС-ШИТ ЭНЕРГО СЕРВИС» МЧЖ

Манзили: Наманган ш. Саноатчи, 40 уй.

х/р: 20208000200242829001

АТБ «InFinBank» Наманган вил филиали.

МФО:01113 ИНН: 302597054 ОКЭД:27120

ККС код:314010017968

Директор



А.Умарханов

«ХАРИДОР»

«Наманган ХЭТК» АЖ

Манзил Наманган ш., Маргилон кучаси-8

Х/р.20210000500510058001 МФО 00440

Банк: Тошкент ш. Ўзсаноатқурилишбанк”

АТБ бош офиси ОКЭД:35120

ИНН:200048685 ККС:314010005779

Директор



А.Карабаев